



2019 йил 16 январь

Бухоро шаҳри

№ 13

Бухоро вилоятида йўловчилар ташиш автомобиль транспорти учун тарифларни белгилаш тўғрисида

Ўзбекистон Республикасининг 1998 йил 29 августдаги “Автомобиль транспорти тўғрисида”ги Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1998 йил., 9-сон, 174-модда), Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2001 йил 4 июндаги ПФ-2871-сонли “Автомобиль транспорти соҳасида монополиядан чиқариш ва бошқарувни такоминлаштириш тўғрисида”ги Фармони (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2001 йил, 6-сон, 118-модда), Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 10 январдаги ПК-2724-сонли “Аҳолига транспорт хизмати кўрсатиш ҳамда шаҳарлар ва қишлоқларда автобусларда йўловчилар ташиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами 2017 й., 2-сон, 33-модда, 28-сон, 636-модда)га асосан вилоятда шаҳар атрофи ва вилоят ичи шаҳарлараро йўналишларида ягона тариф сиёсатини олиб бориш, транспорт хизматлари бозорида соғлом рақобат муҳитини шакллантириш, автомобиль транспорти томонидан кўрсатилаётган хизматларга асосланган нархларни белгилаш ҳамда автотранспорт хизматларини кўрсатувчи корхоналарнинг ҳуқуқларини таъминлаш мақсадида

ҚАРОР ҚИЛАМАН:

1. Бухоро вилоятида шаҳар атрофи ва вилоят ичи шаҳарлараро йўналишларида йўловчи ташиш транспорти хизматлари учун йўл кира тарифи:
 - микроавтобуслар бўйича бир йўловчи километр учун 109,0 сўм;
 - автобуслар бўйича бир йўловчи километр учун 85,0 сўм миқдорда белгилансин.
2. Вилоят ҳокимининг 2013 йил 27 ноябрдаги 353-сонли “Бухоро вилоятида умумий фойдаланиладиган йўловчилар ташиш автомобиль транспорти учун тарифларни белгилаш тўғрисида”ги қарори ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.
3. Ушбу қарор “Бухоронома” ва “Бухарский вестник” газеталарида эълон қилинсин ҳамда ҳокимликнинг buxoro.uz расмий веб-сайтига жойлаштирилсин.
4. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.
5. Ушбу қарор ижросининг назорати вилоят ҳокимининг ўринбосари Н.Ҳамдамов зиммасига юклатилсин.

Вилоят ҳокими

Ў.Барноев

Бухоро вилоятида шаҳар атрофи ва вилоят ичи шаҳарлараро йўналишларида йўловчи ташиш транспорти хизматлари учун йўл хаки тарифларни белгилаш тўғрисида

Ўртача йўл кира миқдори (сўмда)	2013 йил Микроавтобус (дамас, тайота) хизмат нархи (вилоят ҳокимининг 2013 йил 27 ноябрдаги 353- сонли қарори)		2018 йил Микроавтобус (дамас, тайота) хизмат нархи		Ўсиш (фоизда) 1-25 км масофада	Ўсиш (фоизда) 25 ва ундан юқори масофада
	1-25 км масофада 1 киши/1 км учун	25 ва ундан юқори масофада 1 киши/ 1км учун	1-25 км масофада 1 киши/1 км учун	25 ва ундан юқори масофада 1 киши/ 1км учун		
	70,0	55,0	131,5	86,7	1,9	1,6
	2013 йил Автобус хизмат нархи (вилоят ҳокимининг 2013 йил 27 ноябрдаги 353- сонли қарори)		2018 йил Автобус хизмат нархи		Ўсиш (фоизда) 1-25 км масофада	Ўсиш (фоизда) 25 ва ундан юқори масофада
	60,0	50,0	109,7	60,8		
	Микроавтобуслар бўйича ўртача 1 йўловчи км $(131,5+86,7) : 2 = 109,1$ сўм					
	Автобуслар бўйича ўртача 1 йўловчи км $(109,7+60,8) : 2 = 85,25$ сўм					

"Ўзавтотранс" агентлиги Бухоро вилоят бошқармаси бошлиғи

Ш.Шодиев